

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 3-dekabr, shanba № 95 (15733)

Navqiron avlod so'zi

Юртга муносиб бўлайлик!

Инсоннинг феъл-атвори унинг келажакда қандай касб эгаси бўлишини белгилаб беради, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Кичкиналигимда атрофимдаги жамики воқеа-ҳодисаларга жиддий қарардим, тартиб-интизомни яхши кўрардим. Мана шу табиатим мени ҳуқуқшунослик соҳаси сари етаклади. Яратилган шарт-шароитлардан имкони борича фойдаландим. Мақсадим ўз меҳнатим билан мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшиш.

Ҳуқуқшунослик масъулиятли касблар сирасига киради. Негаки, жамиятдаги хотиржамлик, тинчлик учун биз ҳам масъулмиз. Бундай шарафли вазифа эса бизни ўз устимизда тинмай ишлашга ва изланишга ундайди. Юртимизда бизнинг ўз соҳамизда сидқидилдан ишлашимиз учун барча имкониятлар яратилган.

Интилишларим муносиб баҳоланди. 2008 йилда «Камолот» ЁИХ ўтказган «Ўйла, изла, топ», «Сиз қонунни биласизми?» танловларида ғолиб бўлдим. 2009 йилда «Сиз тарихни биласизми?», «Балли, ҳуқуқшунослар!», «Йилнинг энг кучли билимдони» беллашувларида совринли ўринларни эгалладим. 2012 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлдим ва Қорақалпоқ давлат университетининг магистратура босқичини аяло баҳорларга тугатдим. Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлигида жамоатчи ходим сифатида фаолият кўрсатаяпман. Бундан ташқари, «Жамоат тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш муаммолари» мавзусидаги илмий ишимни давом эттираяпман. Илмий ишимда Қорақалпоғистондаги ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг бугунги фаолиятида учраётган муаммоларни атрофлича ўрганишга ҳаракат қилаяпман. Шунингдек, «Мулкни ишончли бошқариш институти» мавзусида ҳам изланишлар олиб бормоқдаман.

Халқимизнинг «бир йигитга қирқ хунар ҳам оз» мақолини ҳаётда широр сифатида танлаганман. Болалигимдан эшак эшишга қизиқаман, баъзан миллий эстрада йўналишида кўшиқлар айтаман. Шунингдек, компьютерда турли дастурларда сайтлар яратаман ва, албатта, бадий китоблар ўқишни ёқтираман. Сабаби, адабиёт дунёга теран қарашни ўргатади.

Юртимизда истеъдодли, билимдон ёшлар кўп. Уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Мустақиллик бизга кенг имкониятлар берди. Бундай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, келажакда порлоқ юртнинг муносиб фарзандлари бўлишимиз керак.

Исатай АЛДАБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги мутахассиси

Istiqlol farzandlari



Ҳар йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарори билан мамлакатимиздаги иқтидорли, фаол ва ташаббускор ёшларнинг бир гуруҳи «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланади. Жорий йилда мазкур мукофотга 27 нафар тенгдошимиз лойиқ топилди. Мукофотланганлар рўйхати газетанинг 4-саҳифасида келтирилган.

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

Биз — буюк юрт фарзандларимиз

Андижонда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Вилоятдаги олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 10 мингдан зиёд талаба ёшлари иштирок этган фестиваль доирасида Бош қомусимизнинг ҳаётимиздаги

ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, англаш, ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

Асосий қонунимизда ёшлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига алоҳида эътибор

қаратилгани, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Бош қомусимизнинг ҳар бир бўлим, боб ва моддаси мазмун-моҳиятини чуқур ўргатиш, кенг тушунириш юзасидан самарали тизим яратилгани таъкидланди.

— Фестиваль доирасида ташкил этилаётган тадбирларда ёшларнинг Конституциямиз ҳақидаги би-

лимларини бойитиш, фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий ва маънавий ҳимоялаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Нодира Абдурахмонова.

Фестивалнинг якуний тадбири Андижон шаҳридаги «Соғлом авлод» стадионида бўлиб ўтди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Hududlardan mujdalar

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ургут туманидаги тадбиркорлик касб-хунар коллежида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар мазмун-моҳияти, Конституциямизнинг халқимиз, хусусан, ёшлар ҳаётидаги ўрни ҳақида ўринли фикр-мулоҳазалар билдиришди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар кенгаши ташаббуси билан Олмазор тиббиёт коллежида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маънавий-маърифий кеча ўтказилди.

Тадбирда ўтган давр мобайнида юртимиз эришган муваффақиятлар, ёшларга яратилаётган имконият ва шароитлар ҳақида қизиқарли мулоқот бўлиб ўтди. Ёшлар ўзлари тайёрлаган сахна кўринишлари ва куй-қўшиқлар билан тенгдошларига завқ-шавқ улашди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги Тошкент молия институтига қарашли 1- ва 2-сонли талабалар тураржойларида ёшлар орасида ОИТС тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар бу касалликнинг пайдо бўлиш сабаблари, олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида атрафлича маълумот беришди.

Давра суҳбати давомида Тошкент маданият коллежи ўқувчилари тайёрлаган «Биз ОИТСга қаршимиз» мавзудаги сахна кўриниши намойиш этилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Ғиждувон туманидаги академик лицейда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзуда тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Унда туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ёш ўқитувчи ва талабаларидан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари, ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда соҳа мутахассислари сўзга чиқиб, Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳурлигимиз тимсоли

Qutlug' sana oldidan

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма бир йиллиги арафасида меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. «Маънавиятли ёшлар — Ватан таянчи» мавзудаги тадбир «Turkiston» ва Молодежь Узбекистана» газеталари ва Тошкентдаги Сергей Бородин уй-музейи ҳамкорлигида Тошкент ирригация ва мелиорация институтида бўлиб ўтди.

Институтнинг маданият саройида ўтказилган тадбирда талабалар, профессор-ўқитувчилар, турли ташкилот ва идоралардан ташриф буюрган меҳмонлар қатнашди. Тадбир ташкилотчилари таъкидлаб ўтганидек, Бош Қомусимиз қабул қилинган куннинг йигирма бир йиллиги арафасида бундай тадбир ташкиллаштирилганида катта маъно бор. Зеро, бугунги дорилар кунларнинг қадрига етиш ёшларнинг ҳам қутлуғ вазифасидир.

Ҳар бир ёш йигит-қизнинг баркамол инсон бўлиб улғайиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун юртимизда барча шароитлар муҳайё қилинган. Жамиятимиз аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлангани юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётганидан, бу эса, мустақиллик ва ҳурлик туфайли эканидан далолат беради. Ўтган қисқа фурсатда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига, обрў-эътиборига эга бўлди. Истиқлол туфайли азалий анъана ва қадриятларимиз қайта тикланди. Ёш авлодни

маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд қилиш орқали эндиликда бой маданий меросимиз, тарихимиз қайта тикланди. Айниқса, ёшлар маънавиятининг юксалишида маданият ва санъатнинг ўрни беқиёсдир. Тадбирда сўз олганлар бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтдилар.

Юртимизда бугунги кунда юзга яқин музей фаолият кўрсатмоқда. Сергей Бородин уй-музейи вакиллари талабаларга музейлар фаолияти, уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ҳикоя қилиб берди. Айниқса, маълум бир тарихий даврни ўзида акс эттирган ҳужжатлар илмий тадқиқот билан шуғулланаётган ёш олимлар учун айна муддаодир. Уй-музейда ёзувчининг асарлари, қўлёзмалари, ижодига оид ҳужжатлар жамланган.

Тадбир қизгин суҳбат, дилкаш учрашув тарзида ўтди. Унинг сўнгидеги талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

Yoshlar — bizning kelajagimiz

Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган «Биз — озод юрт фарзандларимиз!» деб номланган тасвирий ва амалий санъат асарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Ёш ижодкорлар кўрғазмаси

Таниқли рассомлар, ижодкорлар, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган ижодий кўрғазма очилишида Бош қомусимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, Президентимиз раҳнамолигида ижод аҳлига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, айниқса, ёшларнинг ўз истеъдодини тўлақонли намоеън этишлари учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар хусусида сўз юритилди.

Кўрғазмада ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёш иқтидор эгалари мусаввирлик, куллолик, ганч ўймакорлиги, бисер ва мунчоқлардан турли манзаралар яшаш йўналишлари бўйича ўз ижодий ишларини намойиш этди. Озод ва обод юртимиз манзаралари, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, ўлкамизнинг гўзал ва бетакрор табиатини ўзида акс эттирган ижод намуналари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Тасвирий санъатнинг ранг-тасвир йўналишида ижод қиламан, — дейди кўрғазма иштирокчиси Абдулла Ўрмонов. — Бундай тадбирлар ижодимизни кенг жамоатчиликка намойиш этиш, билим ва маҳоратимизни янада оширишга хизмат қилади.

Кўрғазма доирасида таниқли мусаввирлар томонидан ёш ижодкорлар учун маҳорат дарслари ўтказилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Sog'lom turmushni tanlaymiz

Эртани ўйласангиз...

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақўл тумани кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида «Соғлом фарзанд — оила кўзгуси» деб номланган тадбир ўтказилди.

Кейинги вақтларда оналар ва болалар саломатлиги, ёшларнинг соғлом турмуш тарзига риоя этишлари каби масалаларга алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Токи, ўз олдига улуғ мақсадлар қўйган мамлакатнинг эртаси ҳар томонлама соғлом, етуқ, салоҳиятли инсонлар қўлида

бўлсин. Мазкур тадбирда иштирок этган ота-оналар, ўқувчи-ёшлар ва мутахассисларнинг кўнглидаги сўз ҳам шу бўлди: саломатлик учун, аввало, инсоннинг ўзи қайғурмоғи керак! Инсон соғлом ва бақувват, баркамол бўлишни чин дилдан хоҳласа, соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилиши,

иллатлардан, зарарли одатлардан узоқ юриши лозим.

Тадбирда шифокорлар ҳам иштирок этиб, шахсий гигиена, тиббий маданият, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтиши шартлиги ва бошқа долзарб мавзуларда сўзладилар. Йиғилганлар тадбирдан ўзлари учун керакли нарсани олишди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Скрипканинг соҳир оҳанги

San'at

Ўзбекистон давлат санъат музейида Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Музейлар ойлиги» дастури доирасида скрипкачиларнинг концерти бўлиб ўтди.

Унда Успенский номидаги Республика махсус муסיқий академик лицейи ўқувчилари

билан муסיқа шайдоларини хушнуд этишди. Хусусан, Азиз Шерматов, Муслима Асомиддинова, Богдан Не-

чаев, Гўзал Султонова, Бобур Эшпўлатов каби ёш скрипкачилар чалган куйлар мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Мадина НУРМАНОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси



Меҳробдан чаён

Порахўрлик — нафақат давлат асосларига, балки бутун жамиятга катта зиён етказадиган энг хавфли жиноятлардан бири. Негаки, у кишиларда адолатга, келажакка ишонч туйғулари сўнишига сабаб бўлади. Ҳалоллик, беғаразлик, ватанпарварлик каби эзгу тушунчалар маъносини йўқотади. Энди хизмат тақозосига кўра инсонларни айнан шундай эзгу сифатларга ундайдиган киши порахўрлик билан шуғулланса, нима бўлишини тасаввур этиб кўринг. Одамлардан олий ўқув юртига ўқишга киришингга ёрдам бераман деб пора олаётганида Республика Маънавият тарғибот маркази масъул ходими Авлаёр Бобонов шулар ҳақида ўйлаб кўрмаган чоғи? Акс ҳолда, у судланувчи курсида ўтирмаган бўларди.

Ҳаммасини А.Бобоновнинг укаси — Панжи бошлаган эди. У танишлари Комил Фиёсов ва Айдар Солиевга таниш-билишлари ёрдамида ОУЮга ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилади ва бу ишни масъул лавозимда ишлайдиган акаси кўмагида амалга оширишини айтади. Тез орада унинг ташаббуси билан «мижоз»лар А.Бобоновга учрашадилар, Авлаёрбой куюқ ваъдалар бериб, ёрдами аямаслигини таъкидлайди. Бу вақтда ОУЮларга қабул тест синовлари бўлиб ўтган эди, А.Бобонов масалани «суперконтракт»га илтириш йўли билан ҳал этишни ваъда қилади. К.Фиёсовнинг жияни Сардор Маҳмудовни Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисод факультетига, А.Солиевни эса Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтига

жойлаштириш керак эди. Бунинг учун А.Бобонов ОУЮлар мавқеидан келиб чиқиб, К.Фиёсовдан 5000, А.Солиевдан 3500 АҚШ доллари сўрайди. Кейин, бунча пулни бирданига топиш қийинлигини ўйлаб кўриб, аввалига 1000 доллاردан беришларини айтади. «Юқори мартабали амалдор»нинг қудратига ишонган «мижоз»лар унга айтилган пулни келтириб беришади. Кун ортидан кунлар, ой ортидан ойлар ўтди. А.Бобонов эса «суперконтракт»га қўшимча буйруқ чиқмаганлигини рўқач қилиб, ишни аччиқ ичакдай чўзади. Шу тариқа тўрт ой ўтгач, талабалик гувоҳномасини қўлга олишдан умидини узган абитуриентларнинг тоқатлари тоқ бўлиб, берган пулларини талаб қила бошлашди. А.Бобонов воқеалар ривожининг бундай тус олишига тайёр эмас эди — пулларни алла-

қачон сарфлаб юборган, энди нима қилишни билмасди. Ҳар сафар пулни сўраб келишганида яна бир ойгина кутишларини сўрарди. Пичоқ бориб суякка қадалгач, К.Фиёсов ва А.Солиев ваъдабоздан қасд олишга қарор қилишди. А.Бобоновга мурожаат этиб, К.Фиёсовнинг Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги бир касб-хунар коллежида директор ўринбосари бўлиб ишлаётган қариндошининг шу коллежга раҳбар бўлишига ёрдам беришини сўрашди. Осонгина топилган пулдан «тотинган» одам яна шундай имконият туғилса, уни қўлдан бой бергиси келмайди, албатта. Бу сафар ҳам «савдо пишди». Авлаёрбой ўйлаб ўтирмасдан «хизмат»ини 5000 долларга баҳолади. К.Фиёсов ва А.Солиев 3000 бериб, қарзларидан воз кечишларини айтганда, индамай рози бўлди ва бошланишига 1000 доллар беришларини сўради. «Қолганини, майли, кейинчалик олиб келасизлар», деди. Ўйлаганлари амалга ошганига ишонч ҳосил қилган К.Фиёсов ва А.Солиев Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштириш билан курашиш департаменти Тошкент шаҳар бўлимига мурожаат қилишди. Аризада кўрсатилишича, Республика Маънавият тарғибот марказининг тарғиботчилар фаолиятини

мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш бўлими мудири А.Бобонов К.Фиёсовнинг қариндоши коллеж директори лавозимида тайинланиши учун улардан 1000 доллар сўраган.

Бўлим ходимлари зудлик билан ишга киришиб, А.Бобоновни жиноят устида қўлга олиш бўйича тезкор тадбир ўтказишди. Сценарий бўйича К.Фиёсов ва А.Солиев 1000 долларни А.Бобоновнинг кабинетига олиб келишди. Кимёвий моддалар билан ишлов берилган купюраларни қўлга олган А.Бобонов воқеа жойида қўлга олинди. Қидирув пайти унинг иш жойидан, шунингдек, абитуриент А.Солиевнинг хужжатлари ҳам топилди. Шу тариқа А.Бобоновнинг қилмишига иқрор бўлишдан ўзга чораси қолмади.

... Суд барча ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳукмини эълон қилди. Аммо гап А.Бобоновнинг қандай жазо олганида эмас. Гап инсонларни маънавият ва маърифатга чорлаши керак бўлган кишининг одамларни пора эвазига олий маълумотли қилишга ишонтиргани, бундай хунук ишдан тап тортмаганида. Бу сизга севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирнинг машхур романида тасвирланган воқеаларни эслатмаяптими?..

Айтганча, А.Бобонов ҳали ҳамон шу соҳада фаолият олиб бормоқда. Ҳозир у кутубхоначи. Бу ўринда энди ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

Зокир ИНОМОВ

Соғлом турмуш тарзи тарафдорлари

Бугун инсониятга хавф солиб турган иллатлар хоҳлаймизми-йўқми, биринчи галда ёшларни ўз домига тортмоқда. Чунки ёшлар табиатан қизиқувчан, тақлид қилишга мойил ва янгиликларга ўчдир. Аммо янгиликлар ортида катта хавф яшириниши мумкинлигини улар доим ҳам англайвермайди. Шу боис тенгдошларимизни турли иллатларнинг яширин ва зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш айни чоғда долзарб масаладир.

Хўш, буни қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Фақат ҳаракат ва мақсадларни бирлаштириш орқали. Ёшлар муайян иллатнинг барча салбий жиҳатларини тушуниб, ҳақиқий юзини кўра олсагина, у билан кураша бошлайди. Бу эса тўғри ва таъсирчан тарғиботга боғлиқ. Хавфли иллатларга қарши тарғибот ишлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам олиб борилмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб Ҳаракат мамлакатимиз ёшлари орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган янги лойиҳага қўл урди. «Ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа йўллар орқали юқадиган касалликларининг олдини олиш» лойиҳаси турли тарғибот тадбирлари ва акциялардан ташкил топган.

— ОИТС ва гиёҳвандликка асосан ёшлар чалинмоқда. Аксарияти бу иллатлар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга эмаслиги ҳам факт, — дей-

ди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг спорт, саломатлик ва экология лойиҳалари бўлими бошлиғи Зарина Эгамбердиева. — Демак, иллатларга барҳам бериш учун, аввало, ёшларни ахборот билан қуроллантириш керак. Лойиҳамизнинг бирламчи мақсади ҳам шу. Дастлаб биз ёшлар ичидан 35 нафар махсус тренерни тайёрладик. Ҳозир улар республика бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Аниқроғи, лойиҳа тренерлари томонидан ҳар бир ҳудудда (асосан, таълим муассасаларида) информатсион минисессиялар ташкил этиляпти. Асосий талаб минисессиялар интерфаол усулда ҳамда «тенгдош тенгдошга» тамойили асосида ўтказилиши керак. Натижада мамлакатимиздаги кўплаб ёшлар одам иммунитет танқислиги вирусини ҳамда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми тўғрисида бирламчи маълумотга эга бўлмоқда.

Минисессиялар учун асос қилиб олинган «тенгдош тенгдошга» тамойи-

ли ёшларга уларнинг психологик хусусияти (тенгдош ўз тенгдошига кўпроқ таъсир кўрсатади ва кўпроқ ён босади)дан келиб чиққан ҳолда маълумотларни осон ва самарали тарзда етказиш имконини беради. Ҳозирга қадар ОИТС ва гиёҳвандлик профилактикасига қаратилган тарғибот тадбирларида ўттиз минг нафарга яқин ёшлар қатнашди. 48 мингдан зиёд ахборот буклетлари тайёрланиб, минисессиялар иштирокчиларига тарқатилди.

— Лойиҳа жойларда катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинаётгани, айтиш керак, қувонарлидир, — давом этади Зарина Эгамбердиева. — Масалан, даставвал тренерларимиз сони 35 нафар эди. Ҳозир уларнинг сафига яна юз нафар ёш кўнгилли сифатида қўшилди. Улар юртимиз келажакига, шунингдек, ўз тенгдошлари тақдирига бефарқ бўлмаган ёшлардир. Кўнгилли ёшлар минисессияларни ташкил этишда фаол қатнашмоқда. Мавзу юзасидан билимларини доимий равишда ошириб, қолган тенгдошлари билан бўлишига ҳаракат қилишяпти.

Айтиш керак, лойиҳа доирасида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Республика ОИТСга қарши кураш маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ҳамкорлигида махсус ўқув қўлланма ҳам яратилди. У ўз ичига ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа йўллар орқали юқадиган касалликлар тўғрисидаги барча керакли маълумотларни қамраб олган.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОЛИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Ҳаракатнинг Тўрткўл тумани кенгаши ташаббуси билан тумандаги мактаб ўқувчилари ўртасида «Интеллектуал ринг» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда ҳар бир мактабдан биттадан — жами бешта жамоа иштирок этди. Ўқувчилар қизгин беллашув давомида турли соҳаларга оид саволларга жавоб бериб, ўз билим ва салоҳиятларини намоён этишди.

Фарғона вилоятида «Корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида «Камолот»нинг ўрни» мавзуида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзуида тарғибот лойиҳаси ҳам ўтказилди. Шунингдек, тадбир асосида бошланғич ташкилотлар етакчиларига «Бир таҳдидга беш зарба» ролиги намоён этилди.

Жиззах вилоятида Фаллаорол туманидаги Лалмикор саноат касб-хунар коллежида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзуида тадбир ўтказилди.

Давра суҳбатида Асосий қонунида ёшлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг акс этгани, уларнинг бекаму кўст таълим олиши, спорт, илм, умуман, ўзи қизиққан соҳа билан шуғулланиши учун юртимизда яратилган имконият ва шароитлар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир сўнггида эл суйган санъаткорлар иштирокида концерт дастури намоён этилди.

Пахтакор туманида Ҳаракатнинг Жиззах вилояти кенгаши қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази тўғрақ раҳбарлари учун ўқув семинари ўтказилди.

Тадбирда айни пайтда вилоятнинг Жиззах шаҳри, Пахтакор, Фориш, Янгибод, Мирзачўл туманларида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари ташкил этилгани, ёшлар улардаги компьютер саводхонлиги, инглиз тили курслари ва қандолатчилик, тикувчилик сингари тўғрақларида зарур билим ва касб-хунарни эгаллаётгани ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЁШЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган қуйидаги ёшлар «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирлансинлар:

Аманмуродова Акгул Чариевна — теннис бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Артикбаева Дилшоода Дониёр қизи — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицей ўқувчиси

Баркашбаев Фазлиддин Пайзуллаевич — «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаш аппарати ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар бўлими мудири

Бегматов Нодиржон Турсунтажиевич — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК таркибидagi «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси директори ўринбосари

Заидов Камалиддин Саҳабутдинович — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК «Афросиёв» юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи электропоезди машинисти

Махмудова Рухшона Тойир қизи — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Мамаразакова Комила Андрей қизи — Андижон давлат университети талабаси

Мамадалиева Дилноза Муҳаммадвалиевна — Ўзбекистон МТРК «Yoshlar» телерадиоканали қошидаги «Bolajon» телеканалнинг чет

тилларни ўргатувчи махсус теледастурлар студияси 1-тоифали муҳаррири

Мирзакамалов Раҳим Ибрагимович — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти

Муратов Баҳром Акрамжонович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти катта илмий ходим-изланувчиси

Мухамеджанова Фируза Хатамджановна — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Мухамеджанова Сакина Исмаилджановна — Миллий рассомлик ва дизайн институти катта илмий ходим-изланувчиси

Низомутдинова Заррин Шахбозиддиновна — «Ўзбекфильм» киностудияси актрисаси

Ортиқов Нодиржон Хайруллоевич — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил инсти-

тути лойиҳа раҳбари

Полвонов Шерзоджон Фазлитдинович — «Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Қаюмов Лазизжон Бахтиёрович — Навоий давлат кончилиқ институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси

Қаршиев Эркин Уралович — Термиз давлат университети талабаси

Расулова Нодира Сардаровна — Тошкент давлат педагогика университети тарих кафедраси доценти вазифасини бажарувчи

Сергеев Игорь Владимирович — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси

Узаков Олимжон Махаммаджонович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «А-320» ҳаво кемаси иккинчи учувчиси

Умаралиева Гулсарвиноз Ёдгоровна — Тошкент давлат аграр университети магистранти

Худанов Бахтинур Ойбутаевич — Тошкент тиббиёт академиясининг болалар стоматологияси кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси

Хидиров Қобил Уролович — «Халқ сўзи» газетаси парламент ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқ масалалари бўлими муҳаррири

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси биоорганик кимё институти катта илмий ходими

Юсубов Жамшидбек Қадамович — Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходим-изланувчиси

Якубов Дилхушбек Инамжонович — Андижон давлат тиббиёт институти магистранти, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси

Яхяева Навруза Холбутаевна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти

2013 йил 30 ноябрь
Тошкент шаҳри

Очиқ коллегиал мажлислар

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги фармойиши асосида жорий йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг 14-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари коллегиал кенгашлари очиқ ўтказилиши, бу тадбирларда ахборотдан фойдаланувчилар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларининг иштирок этиш имконияти таъминланиши белгиланган.

Самарқанд вилоятидаги эксперимент субъектлари ҳисобланган идораларнинг коллегиал йиғилишлари мазкур талабдан келиб чиқиб ўтказилмоқда.

Жумладан, вилоят божхона бошқармасида ўтказилган навбатдаги коллегиал йиғилишга соҳа ходимлари билан бирга, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Йиғилишда бошқарма фаолияти, 2013 йилнинг ўтган уч чорагида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Товарларни божхона назоратидан ўтказиш ҳамда божхона расмийлаштируви жараёнида фуқаролар, тадбиркорлик субъектларига яратилган им-

кониятлар, берилган имтиёзлар ҳақида маълумот берилди.

Йилнинг ўтган даврида бошқарма томонидан давлат бюджетига 167,12 миллиард сўм маблағ тушиши таъминланган. Амалдаги қонунчилик асосан, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига божхона тўловларидан 531,65 миллиард сўмлик имтиёзлар қўлланилган. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича фаолият олиб бораётган 16 корхона ва ташкилот ҳам импорт қилинган товарлар учун шундай имкониятдан фойдаланган. Божхона идораларида яратилган «Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими» ва бошқа дастурлар соҳа ишини янада такомиллаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг божхона би-

Huquqiy eksperiment

лан боғлиқ ишларни тез ва қисқа фурсатларда бажаришга хизмат қилмоқда.

Шундай очиқ коллегиал мажлис қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази вилоят бошқармасида ҳам ўтказилди.

— Ҳуқуқий эксперимент давомида бошқарма мурожаат қилган фуқароларга қонун лойиҳасида белгиланган тартиб асосида жавоблар берилди, — дейди қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази вилоят бошқармаси бошлиғи Норбой Жўлматов. — Фаолиятимиздаги очиқлик турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш ва мавжуд муаммоларга барҳам беришни таъминламоқда. Шу боис мурожаатларга жавоб бериш баробарида жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларни қизиқтирган масалалар атрофича муҳокама этилмоқда. Интернетдаги веб-сайтимиз (sam.csm.gov.uz) ҳам зарур маълумотлар билан тўлдирилиб, янгиликлар ўз вақтида жойлаштирилмоқда.

Бошқарма коллегиал мажлисида фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорларга зарур маълумотлар берилди.

**Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири**



Bolalari sporti

Ҳаракатдан тўхтаманг!

Ҳозирда Олмаликдаги «Металлург» спорт тўғарагида эллик нафардан ортиқ ўқувчилар теннис билан мунтазам шуғулланишмоқда. Бу ерда болалар спортини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган, тўғарак замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Шундай имкониятлар, албатта, ўз мевасини бермоқда. «Металлург»нинг ёш теннисчилари республика миқёсидаги мусобақаларда ғалабаларни қўлга киритмоқда. Яқинда Бухорода «Обод турмуш йили»га бағишлаб ўтказилган мусобақада тўғаракнинг олти нафар аъзоси ғолиб бўлди. Улар орасида Амина Акбарова, Кристина Майер, Сервер Уланов ҳам бор.

— Бугунги ютуғимиз келгусида янги марраларни забт этишимизга замин бўлади, — дейди спорт тўғараги мураббийи Дилдора Раҳимова.

Ҳаракатни сусайтирмасалар, бас.

Ўткир ПЎЛАТ

Бизнес ғоялар амалиётда!

Яхши ва қизиқарли ғоя. Устига-устак даромадли ҳам. Бу ишбилармон учун ҳақиқий топилма. Бизнесни бошлашга сармойнагиз камлик қилса ҳам зарари йўқ. Ахир, бир неча йилдан буён юртимизда амалга оширилаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» ҳамда «Менинг бизнес ғоям» лойиҳалари қанчалаб ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ёрдам бермади дейсиз?

2011 йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда мамлакатимиздаги бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Менинг бизнес ғоям» танлови академик лицей ва касб-хунар коллежларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили танловда 28 мингга яқин академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этган бўлса, бу йил қатнашувчилар сони 48 минг нафарга етди. Танловнинг қуйи босқичлари давомида «Камолот» ЁИХ худудий кенгашлари қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари шахсий бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар учун ўқув семинарларини ташкил этди. Ушбу семинарларда ўн минг нафардан зиёд битирувчи билим ва тажрибасини оширди. Улардан икки минг нафардан зиёди ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун тижорат банкларидан молиявий кўмак олиш имкониятига эга бўлди.

Танловнинг жорий йилги республика босқичида қатнашган етти нафар битирувчига «Агробанк» ОАТБ, ўн тўрт нафарига «Микрокредитбанк» ОАТБ, яна шунча нафарига «Ипотекабанк» АТИБ ҳамда ўн беш нафарига «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан имтиёзли фоиз ставкаларида 270 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилиши юзасидан тегишли тавсияномалар берилди. Шунингдек, «Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши бизнес ғоя», «Энг сифатли ҳамда экологик тоза маҳсулот», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Ишлаб чиқариш йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Туризм соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинациялари ғолиблари аниқланди.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Турон» маҳалласида истиқомат

қилаётган Шаҳноза Чоршанбиева танловда «Тўқувчиликни ривожлантириш» бизнес лойиҳаси билан иштирок этди. Яқинда у мазкур бизнес лойиҳаси учун «Микрокредитбанк»нинг Шаҳрисабз туман бўлимида тўрт ярим миллион сўмлик кредит олиб, иккита доимий иш ўрнини ташкил этди. Касаначилик асосида иш юритиб келаятган тенгдошимиз Шаҳрисабз технология касб-хунар коллежида 3-курсда ўқийди.

— Болалигимда тўқувчиликни ўрганганман, — дейди Шаҳноза. — Тажрибам етарли. Пойтахтдаги «Машхура» ўқув марказининг тўқувчилик тўғарагида уч марта ўқиб, малакамни оширдим. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун «Менинг бизнес ғоям» танловида қатнашдим. Бизнес режа тузишда коллежимиздаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси ўз тавсияларини берди. Танлов доирасида ўтказилган семинарларда тадбиркорликка оид кўплаб маълумотларга эга бўлдим. Шунингдек, менга бир ярим йил муддатга уч фоизли кредит олиш имкониятини берувчи сертификат ҳам топширилди.

Айни кунда болалар, аёллар ва эркаклар учун кузги ва қишки кийимлар ишлаб чиқараётган Шаҳноза Чоршанбиева маҳалладош қизлар ва келинларга ҳам хунарини ўргатиб келаяпти. Тадбиркорнинг жун, пахта ва синтетик иплардан тайёрланаётган маҳсулотлари ўз харидорларига эга.

Ҳузур туманидаги яна бир тенгдошимиз Умида Шерматова онасидан ўрганган тикувчилик хунарини тадбиркорлик фаолиятига йўналтирди. Бу йил «Менинг бизнес ғоям» танловида қатнашиб, сертификат олди. Энди у «Агробанк»нинг Ҳузур тумани бўлимида йигирма миллион сўм кредит олиш имконига эга.

— Танлов ҳақида Ҳузур туманидаги қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежида ўқиб юрганымда эшитгандим. Коллеждаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етак-

чиси менга қатнашиб кўришни тавсия қилди, — дейди ёш чевар. — Уйдагилар билан маслаҳатлашиб тикувчилик бўйича бизнес режа туздик. Аслида, танловда қатнашмасдан ҳам кредит олиш мумкин. Лекин танлов орқали тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиб, бошқа кўплаб тенгдошларим билан танишиб, уларнинг ҳам тажрибасини ўргандим. Ҳозир қўлим остида етти нафар қиз ишлайди, уларнинг уч нафари коллеж битирувчиси. Цехимизда олти тикув машинаси бор. Асосан, аёллар кўйлақларини тикиб чиқарамиз.

Умидахон тикувчилик боида етарли тажрибага эга. У пойтахтимиздаги «Эффект-молия» ўқув марказида бир йил ўқиб, либосларни моделлаштириш, элита пардалар, эркаклар ва аёллар костюм-шимларини тикишни ўрганиб келди. Энди у бериладиган кредит маблағлари эвазига аёллар кийимларини ишлаб чиқаришни кенгайтирган ҳолда матога гулли чок туширувчи махсус тикув машинаси ҳамда кашта тикадиган машина харид қилишни режалаштирмоқда.

Марғилонлик Темурбек Турдибоев «Менинг бизнес ғоям» танловида ғолиб бўлди. Ҳозир у гипс ва сув аралашмаси ёрдамида турли безак тошларни ишлаб чиқарувчи «Temurxon elektro texnik servis» хусусий корхонасига раҳбарлик қилмоқда.

Темурбек жуда ғайратли йигит. Доимо оиласига кўмакчи бўлиб келган. Маҳалладошлари уни меҳнаткаш, ишбилармон деб таърифлашади.

— Корхона очиш учун етарли маблағим бўлмагани боис, танловга ҳужжат топширдим, — дейди ёш тадбиркор. — Бизнес режа ташкилотчиларга маъқул келиб икки миллион саккиз юз минг сўм миқдорида имтиёзли микрокредит олдим. Энди менинг безакли тошларни ишлаб чиқариш бўйича шахсий бизнесим бор. Аввалига корхонада фақат



тўрт-беш хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ҳозир харидорларнинг диди ва талабига кўра маҳсулот ассортименти анча кенгайган.

Темурбек тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида ўтган йили «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловида ҳам қатнашиб, ғолиб бўлди.

— Кредит ҳисобига маҳсулотларимиз сонини йигирма хилдан оширишга муваффақ бўлдик, — дейди Темурбек. — Муҳими, кредит бўйича фоиз ставкаларини «Камолот» ЁИХ тўлаб берапти. Бу ёш тадбиркорлар учун жуда катта энгилликдир. Ҳозир бир кунда бир ярим мингта безакли тош ишлаб чиқаряпмиз. Корхонада тўққиз нафар ёш, шулардан олти нафари

муқаддам судланган шахс доимий иш билан банд. Маҳсулотларни турли қурилиш корхоналарига шартнома асосида етказиб бераёпмиз. Фарғона шаҳрида катта қурилиш ишлари олиб борилаётганидан хабарингиз бор. Шу боис шаҳарда битта дўкон очиб, маҳсулотларимизни сотаяпмиз. Келгусида қурилиш ташкилотини очмоқчиман.

Мақсадлари аниқ, ҳаракатлари ҳам шунга монанд бўлган бундай ёшлар ораимизда оз эмас. Уларнинг турли йўналишда олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти халқ фаровонлиги, юрт тараққиётига хизмат қилапти.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири



Янада тезроқ, янада баландроқ!

Замонавий цивилизация турмуш тарзимизда жуда кўп нарсаларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатди. Қадимда энг керакли бўлган, уларсиз ҳаётимизни тасаввур этишимиз жуда мушкул ҳисобланган транспорт турларининг кўпи бугун аввалги даражада эмас. Икки гилдиракли арава ўрнини бугун тўрт, олти гилдиракли учқур автомобиллар эгаллади. Узоқ масофаларга юк ташишда фойдаланилган туялар бугун бу машаққатли вазифаларидан озод. Бироқ қизиғи шуки, барча нарсага ўз ҳукмини кўрсатган цивилизация отларнинг қадрига таъсир этолмади. Қайтага, унинг қадри аввалгидан ҳам ошди, дейиш мумкин. Зеро, бугун, BMW, «Нексия», «Volvo» каби «темир тулпор»лар замонида ҳам улардан қимматроқ ҳақиқий тулпорлар борлигини эшитган одам асло ажабланмайди. Ўзбек халқи отни йигитнинг йўлдоши, қаноти, дейди. Биз отлар, от спорти мавзусида сўз юритарканмиз, бу гапнинг ҳақлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

ОТ БИЛАН ИЛК ТАНИШУВ

От спорти билан шуғулланиш учун отасининг ёки амакисининг қўлидан тутганча, махсус спорт мактабига кириб келган болаларнинг аксариятининг ёши ўн бир-ўн иккида бўлади. Улар бунгача от билан шунчаки таниш бўладилар, эҳтимол, катталар кўмагида бир-икки марта эгарга ўтириб кўрган бўлишлари мумкин. Лекин бу сеҳрли жонивор билан илк яқиндан танишув, дўстлашув мана энди бошланади.

Болалар аввалига ўз қувончларини яшира олмайди. Улар олдларидан алоҳида бир дунё очилганини, унда табиатнинг беозор ва вафодор жониворларидан бири — от билан юзлашишларини билишади. Ана шу чавандозлик орзусида келган болаларнинг от спортига қўйган биринчи қадами бўлади.

Ўтган асрлар давомида от спорти мусобақаси қадриятга айланиб улгургани туфайли уни туризм соҳаси ривожига ҳам фаол асос қилиб олиш мумкин. Айни пайтда от спорти мухлислари дунёнинг исталган жойидан кўнлаб топилади. Ўзбекистонда ҳам у жадал суръатларда ривож топиши учун миллий ўйинларимиз, тарихий анъаналаримиз муҳим ўрин тутди.

АНЪАНАЛАРГА БОЙ

Тарихчилар фикрига кўра, мамлакатимиз ҳудудида от спорти камида уч-тўрт минг йиллик тарихга эга. (Бу ерда айнан от спорти, отда туриб ўйналадиган спорт ўйинлари тарихи назарда тутиляпти, ҳолбуки, от билан инсониятнинг дўстлашиши ундан узоқроқ ўтмишга эга). Юртимизнинг турли ҳудудларида улоқ (кўпкари), оломон пойга, ағдариш, қиз қувди каби турли томошабоп миллий ўйинларимиз ҳозирга қадар байрамларда, тўй ва сайилларда ўтказиб келинмоқда. Ва бу спорт турининг юқори даражадаги истиқболи, ўз навбатида, мамлакатга сармомия жалб қилиш имконини

берди. От спорти ёшларни нафақат жисмоний чиниқтиради, балки уларнинг табиатга меҳрини, ҳурматини ҳам оширади.

— Мамлакатимизда от спорти бир неча минг йиллар олдин ривож топган, — дейди Ўзбекистон от спорти федерацияси ижрочи директори Жўрақўзи Турдиматов. — Мустақилликдан сўнг унга алоҳида эътибор берилди. Федерациямиз ташкил этилганидан кейин, орадан икки йил ўтиб, Осиё ва Халқаро от спорти федерациясига аъзо бўлди. Миллий федерациямиз юртимизда улоқ-кўпкари мусобақаларини доимий ташкил этиб келмоқда. 1994 йилдан буён миллий терма жамоамиз халқаро нуфузли мусобақаларнинг конкур (отда тўсиқларни сакраб ўтиш) беллашувларида мунтазам иштирок этиб келади. 1999 йилдан эса чавандозларимиз от пойгасида ижобий натижаларга эришяпти. Халқаро от спорти федерациясининг Ўрта Осиё лигаси ташкил этилганидан буён уч босқичли жаҳон кубоги мусобақаларининг битта босқичи Тошкентда ўтказилмоқда. Турнирда энг кўп очко тўплаб, финал йўлланмасига эга бўлган спортчи олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади.

Спортчиларимиз жуда кўп бор ушбу турнир ғолиби бўлганлар. Совриндорларимиз ичида, айниқса, Ғайрат Назаров нақ тўққиз маротаба жаҳон кубогига сазовор бўлган. Жамоавий баҳсларда эса, ҳамюртларимиз ўн тўрт маротаба биринчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, нафақат конкурда, от пойгаси ва учкураш (манежда югуриш)да ҳам юқори натижаларга эришишган.

Халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиш, юртимиз байроғини баланд кўтариш ҳар қандай спортчининг энг катта орзуларидан саналади. Спортчи майдонда ўз вазифасини бажараётганда унга, аввало, пухта тайёргарлик ёрдам беради. Тайёргарлик учун эса ёшлиқдан бу спорт турига меҳр қўйиб, унинг сирларини астойдил,

сабр билан ўрганиш керак.

Айни пайтда ёш чавандозларимиз Наманган, Фарғона, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги спорт мактабларида, олимпия захиралари махсус мактабларида (улар Андижон ва Тошкент вилоятларида жойлашган) ва Республика олий спорт маҳорати мактабида таҳсил олмоқда. Шунингдек, бир қанча хусусий от спорти клублари ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Юқорида бу спорт турининг машаққати кўпроқ, дея таъкидладик. От спортини мукамал ўзлаштириш учун, аввало, отлар билан тил топиши лозим. Бу спортчидан катта меҳнат талаб қилади. Яъни у фақат ўзининг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги эмас, жониворларнинг мусобақаларга шайлигига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашиши керак. Отлар мунтазам шуғуллантириб турилмаса, спорт формасини йўқотиши турган гап. Профессинал чавандозлар, мутахассислар шундай ҳисоблашади: от яхши тайёр бўлмаса, мусобақага қўйилмаслиги керак. Шундай ҳолда мусобақада қатнашдимми, у айбдор бўлмайди, балки уни тайёрлаган мутахассис, чавандоз масъул.

Айни пайтда республика-мизда саккиз юзга яқин спортчи от мавжуд. Улар қисман четдан олиб келинса-да, асосан, ўзимизда кўпайтирилади. Уларнинг ичида «Ўзбегим» от этиштириш заводи алоҳида ўрин тутди. Завод ҳозирда нафақат клубларни зотдор отлар билан таъминляпти, шу билан бирга, спортчи жониворларни қўшни мамлакатларга ҳам етказмоқда.

Хитой тарихчилари фикрига кўра, азалдан доврўғи кетган, кучли ва учқур отлар айнан Ўзбекистон ҳудудида бўлган. Улар шу даражада қимматбаҳо бўлганки, унинг нархини ўша вақтларда ниҳоятда тақчил ва ноёб саналган ипак нархи билан солиштириш мумкин. Ўшандай бебаҳо тулпорлари билан ном қозонган чавандозларнинг бугунги авлодлари Республика от спорти олий

мактабида ҳам ўз малака ва тажрибаларини оширишмоқда.

— Бизнинг мактабда яхши анъаналар асосида спортчилар ва спортчи отлар тайёрланади, — дейди Республика олий от спорти мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Равшан Саъдуллаев. — Бу эса ўз навбатида, ёш, истеъдодли спортчиларни кашф этишга ёрдам беради. Жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги мусобақаларида шу вақтгача иштирок этиш билан бирга, фахрли ўринларни ҳам эгаллаб келаяпмиз. Спортчиларимиз конкур, учкураш ва от пойгаси бўйича шуғулланишади. Сўнгги вақтларда бу спорт турига қизиқиб мурожаат қилаётганлар кундан кунга кўпаймоқда.

Дарҳақиқат, бунинг ажабланидиган жойи йўқ. От спорти фақат кўрки, жозибаси билан кишиларни мафтун этмайди. У, авваламбор, болалар учун жуда фойдали. Четдан отда юриш бироз кўрқинчликдек туюлса-да, аслида, у жуда самарали тарбия воситаси. Отда юрган одам, биринчидан, жисмонан тетик, бакуват бўлади. Қолаверса, от спорти билан шуғулланганда кишида диққатни бир жойга жамлай олиш қобилияти ошади. Одатда, от билан ишлайдиган болаларнинг бекор вақти бўлмайди. Мураббийларнинг таъкидлашларича, бу спорт тури билан машғул болалар ва ўсмирлар машқлардан кейин отлари билан қолиб, уларни парваришлай бошлашади. Бу эса боланинг ўзи қилаётган ишларга нисбатан масъулияти ошишига хизмат қилади.

МУРАББИЙЛАР ХИЗМАТИ

Болаларнинг отларни берилиб парвариш қилишлари, отларнинг болаларга яхши ўрганишларида жониворларни «уқувли» қилиб шакллантирган мураббийлар хизмати катта. Агар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида от спорти мутахассис-кадрларини тайёрлаш бўлими очилдиган бўлса, бу спорт тури бўйи-

От спорти

ча юртимиз ёшлари янада юксак марраларни забт этишлари мумкин.

— Бошқа спорт турларида кучли ва пухта тайёргарликнинг ўзи билан яхши натижаларга эришса бўлади. Бироқ бу спорт турида от ва чавандоз бир-бирини «ҳис қилмоғи», сўзсиз тусунмоғи керак, — дейди Республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи Юрий Косов. — Отлар ҳам одамларга ўхшаб турли характерли бўлади. Баъзилари ақлли ва зукко, айримлари айёр ва ялқов. Спортчи отни агар тушуна олса, унинг кайфиятини кўтаришни эплай олса, бу ярим галаба, деганидир.

— Отларни яхши кўрмасликнинг иложи йўқ. Одатда, бу ерга бир маротаба келган одам, албатта, от спортига қизиқиб қолади, — дейди мактабнинг отда югуриш бўлими мураббийи Елена Медведева.

Шу ўринда Феруза Абдуллаевани мисол қилиб келтириш мумкин. У ўн бир ёшида отда югуриш мусобақасига онаси билан келган эди. Турнирда отларнинг ҳаракатлари ва чавандозларнинг маҳоратини кўрган қизалоқ онасидан бу ерга олиб келишини сўрайди. Аввалига онаси унинг бу илтимосини шунчаки қизиқиб деб баҳола-са-да, қизининг хоҳишини ерда қолдирмайди. Қизалоқ машғуллот учун Қибрайдан Тошкентга келиб-кетишга эринмади. Агар турли сабабларга кўра, машқлардан қолиб кетса, унга бундан ёмони йўқ эди. Мана, ҳозир шу воқеаларга ҳам ўн уч йил бўлди.

— От спортига ҳали ҳам қизиқишим ва меҳрим баланд, — дея жилмади ёш спортчи Феруза. — Биз от билан бирга анжомлар озодалигига ҳам алоҳида эътибор берамиз. Улардан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш лозим. Айни дамда спортчи отлар учун эгар, юган ва шу каби керакли анжомлар, асосан, хориждан келтирилади. Агар тадбиркорларимиз шундай анжомларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганларида от спорти ривожига муносиб ҳисса қўшган бўлар эдилар.

— Ҳар қандай спорт тури ривож топиши учун замонавий техник база мустаҳкам бўлиши керак, — дейди Жўрақўзи Турдиматов. — Бунга айни пайтда давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг от спортини ривожлантиришга доир махсус қарори асосида «Марказий ипподром» очик акциядорлик жамиятида таъмирлаш ишлари кетаяпти. Республика олий спорт маҳорати мактабининг майдони, маъмурий биноси, отхона ва томошабинлар трибуналари ҳам таъмирланаяпти. Шунингдек, от спорти мусобақаларининг дастурлари қайта кўрилиб, нафақат замонавий от спорти, балки от билан ўйналадиган миллий ўйинларимиз ҳам тарғиб қилинмоқда.

Ҳа, от спорти юртимизда бошқа кўпгина спорт турларига нисбатан анча қадимий, ўз анъаналарига эга. Мухтасар айтганда, унинг ривожини учун мактаб ва от спорти клубларидаги шарт-шароитларни янада яхшилаш ва спортга оид анжомларни кераклича етказиш зарур. Булар спортчи ёшларимизга муваффақият эшикларини очиш билан бирга, уларни юксак галабалар сари етаклайди.

Александра СПИРИДОНОВА

Беш қитъадан келтирилган

беш юзга яқин экспонат Кураш халқаро музейидан ўрин олган

Ўзбек халқи доимо яхши кунларини шод-ёналар билан нишонлашга одатланган. Айниқса, тўйларимиз чинакам байрамга айланиб кетади. Асрлар давомида худди шундай бўлиб келган. Тўй ва сайилларнинг энг ҳаяжонли дамлари эса кураш мусобақалари билан ўтарди. Йиллар давомида эл олдида ўзбек ўғлонлари ўз куч-ғайратини, матонатини, ориятини синовдан ўтказиш учун курашга тушишган. Вақт ўтиб, кураш халқ ҳаётининг бир қисмига айланиб улгурди. Йигитлар нафақат ўз кучини кўрсатиш учун, балки ор-номуси ҳимояси учун ҳам майдонга тушишган. Бу эса курашнинг фақатгина жисмоний фаолият тури эмас, халқ маънавиятининг бир бўлаги эканлигидан ҳам далолат беради.

Асрлар давомида яшаб, такомиллашиб келган кураш мустақиллик йилларида ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу саъй-ҳаракатлар қисқа фурсатларда ўз самарасини бера бошлади. Кураш жаҳонга чиқди!

Эндиликда бутун дунё полволлари ўзбек курашида куч синашишмоқда.

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким Термизий ва Амир Темур хотирасига бағишланган анъанавий турнирлар ўтказилади. Осиё ўйинларида ҳам спортчилар кураш бўйича беллашадилар. Ёшлар, фахрийлар ва катталар ўртасида жаҳон, қитъа чемпионатлари, миллий чемпионатлар ўтказилапти. Қувонарлиси, бу каби мусобақалар сони кундан кунга ошиб бормоқда.

Кураш халқаро ассоциа-

цияси президенти ташаббуси билан қисқа йилларда қўлга киритилган улкан ютуқларни бир жойга жамлаб, сарҳисоб қилиш зарурати билан Кураш халқаро музейи 2012 йил майдан фаолиятини бошлади.

Кураш халқаро музейига шу кунга қадар дунёнинг жуда кўплаб нуфузли инсонлари, халқаро ташкилот раҳбарлари, Халқаро Олимпия қўмитаси аъзолари, машҳур спортчилар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус раҳбарлари, элчилар ташриф буюришган.

Музей беш қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида дунёнинг 121 та давлатидаги Кураш федерацияларидан келтирилган 500 га яқин экспонатлар, жаҳон чемпионатлари акс этган суратлар, медаль ва кубоклар ўрин олган.

«ІКА олтин ордени»,

«Дунё кураш элчиси» унвони, «ІКА олтин медали» каби экспонатлар музейнинг энг нуфузли экспонатлари сифатида асосий бўлимдан ўрин олган.

«ІКА олтин медали» билан бугунги кунга қадар 64 нафар кураш фидойилари, Федерация раҳбарлари ҳамда курашнинг дунёдаги ривож учун ҳисса қўшиб келаётган жонқуяр инсонлар мукофотланган. Шунингдек, музейда кураш ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб асарлар, бошқа давлатларда, бошқа тилларда чоп этилган кураш қўллан-



малари ўрин олган. Улар орасида энг ажойиби, шубҳасиз, «Кураш дунёни забт этмоқда» номли асардир. Бу асар Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқов мўйқаламига мансуб.

Шу билан бирга, музейга ташриф буюрган меҳмонларга кураш тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, курашнинг бугунги нуфузи йўлидаги энг муҳим босқичлар ҳамда кураш тараққиётидаги қувончли воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилади.


Кундан кунга музей экс-

Qadriyat



понатлари бойиб, кураш чемпионларининг ҳар бир ғалабаси музейдан муносиб ўрин олмақда. Музейда яна бир махсус бўлим ташкил этилган, унда дунёда кураш ҳақида нашр этилаётган адабиётлар, ОАВда эълон қилинаётган материаллар тўплаб борилади. Музейга ташриф буюрувчилар ва кураш билан қизиқувчилар бу экспонатлар орқали янада кўпроқ маълумотлар олишлари мумкин.

Гулчехра НИЁЗОВА,
ІКА матбуот хизмати
ходими



Кўнгилисизлик

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штати қирғоқларида 19 ёшли серфер ақула ҳужумидан сўнг ҳалок бўлди.

Воқеа Зак Янг исмли спортчи қирғоқдан анча узоқлашганда содир бўлган. У сузиб кетаётганда кутилмаганда сакраб чиққан ақула унинг икки оёғидан тишлаб олади. У йиртқичдан қочиб қолади-ю, қирғоқча сузиб келолмайди. Шифокорлар унга кўп қон йўқотиш ва руҳий шок натижасида ҳалок бўлган, дея ташхис қўйдилар. Ҳукумат воқеа содир бўлган қирғоқдаги дам олиш жойини ёпиши ҳам мумкин. Бунга қирғоқ атрофида йиртқич сув ҳайвони — оқ ақулаларнинг кўпайгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Ит ва ғоз дўстлиги

Буюк Британияда қопағон бўлиб қолган ит ғоз билан дўстлашгандан сўнг «тузалди».

Аниқроғи, 11 йил яшаган немис овчаркаси зотига мансуб Рекс лақабли ит ёнига ҳеч кимни яқинлаштирмас, ўтган-кетганини қувиб, қопағон бўлиб қолган эди. Унинг вазифаси ҳайвонот боғини қўриқлаш эди. Рексни итлар сақланадиган махсус жойга юбормоқчи бўлиб туришганда, у кутилмаганда ғоз билан дўст тутиниб қолади. Ҳайвонларни қутқариш бўйича марказ раҳбари Шейл Брислиннинг сўзларига қараганда, улар доимо бирга юради, бирга овқатланади. Ит ғознинг ёнига бошқа ғозларни йўлатмас, унга ғамхўрлик кўрсатиш билан овора бўлса, ғоз ҳам унга жавобан худди шундай муносабатда эди. Айни пайтда ҳайвонот боғига дунёнинг турли мамлакатларидан меҳмонлар бу дўстликни кўргани келишмоқда.

Экология учун кураш

Хитой ҳукумати Пекин шаҳрида ҳаво ифлосланишининг олдини олиш мақсадида шаҳар кўчаларидаги кабохоналарни ёпди.

Бу лойиҳани амалга ошириш уч ой давом этди. Полиция 500 та кўрани мусодара қилиш билан бирга, қайта ишлатилмаслиги учун бўлақларга бўлиб ташлади. Кабохоналарга қарши кураш тадбирини Пекин аҳолиси хоҳлаган. Улар кабохоналар устидан турли шикоятлар билан ҳукуматга тез-тез мурожаат қилган. Айни пайтда Пекинда ҳавонинг ифлосланишини ўлчайдиган шкала ҳам жорий этилган.

Самолёт ҳалокати

Мозамбикдан Ангола сари йўл олган «Mozambique Airlines» компанияси самолёти Намибия ҳудудида ҳалокатга учради.

Аввалига бедарак йўқолган самолёт Намибиянинг Ботсвана билан чегарадош қисмида, қуюқ ўрмон ва ботқоқлар ичига қулагани маълум бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, лайнердаги олти нафар экипаж аъзоси ва йигирма саккиз йўловчининг барчаси ҳалок бўлган. Ҳозирча қора қутидаги маълумотлар ошкор этилмапти. Кучли ёмғир ва қуюқ ўрмон қутқарувчилар ишида сезиларли қийинчилик туғдирмоқда.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Qaldirg'och

ЁМҒИР

Осмонда
паға булут,
Менга

жуда ёқади.
Бир зум ўтиб,
гоҳида

Ёмғир шаррос ёғади.

Ёмғирдан сўнг тунроқдан,
Ажиб ҳид таралади.
Кўзларни қувонтириб,
Камалак яралади.

КИТОБ СЕҲРИ

Шоирларнинг шеърларидан,
Кўп мағнолар уқаман.
Китобларин қўлдан қўймай,
Ҳавас билан боқаман.

Шеърларни ёд оламан,
Ўргатаман синглимга.
Ундаги гўзал туйғу,
Жойланади дилимга.

Мисрадаги завқ-шавқни,
Кўнгилларга кўчирай.
Дилдаги ҳайрат қушин,
Кенг самога учирай.

Хулкар РЎЗИБОЕВА,
Қашқадарё вилояти Фузор
туманидаги 77-мактаб-
интернат ўқувчиси

Mening fikrim

Иллатлардан узоқда

Бугунги кунда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кўпгина эзгу ишлар қилинмоқда. Айниқса, тамаки чекиш, ичкиликка ружу қўйиш, гиёҳвандлик каби иллатлар уларнинг турмуш тарзига кириб бормаслиги борасида тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Оилада отанинг ўзи кашанда бўлса-ю, фарзандига чекмаслик ҳақида насихат қилса, бу ачинарли ҳол, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёшлар чекиш ёки ичишни кўпроқ катталарга тақлид ва қизиқувчанлик туфайли бошлайдилар. Соғлом турмуш тарзи моҳияти болага, аввало, оилада, сўнг боғча, мактаб ҳамда маҳалла каби тарбия ўчоқларида сингдириб борилиши лозим.

Бугунги кунда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белги-ланган вазифалар ижроси юзасидан маҳаллаларда, ўқув муассасаларида турли маданий-маърифий тадбирларнинг узлуксиз ўтказилаётгани фарзандларимиз дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатиб, яхши самара берапти. Бундай тадбирларда ёшларнинг ўзи бевосита иштирок этиб, кенг тушунчага эга бўлишапти. Республикада тамаки ва спиртли ичимликларни реклама қилиш ва сотиш бўйича қабул қилинган қонунлар моҳиятини фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Марҳамат ТУРДАЛИЕВА,
Яккасарой тумани 2-давлат нотариал идораси катта нотариуси



Konstitutsiyamizni o'rganamiz

— Конституциямиз — бизнинг фахру ифтихоримиз, жонажон мамлакатимизнинг Асосий Қонунидир, — дейди Шайхонтохур туманидаги 316-мактабнинг 8-синф ўқувчилари. — Унда бизнинг барча ҳуқуқларимиз, хусусан, билим олиш ҳуқуқимиз ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

СУРАТДА: ўқувчилар устозлари Мавлуда Умарова билан.

Носир ХАЙДАРОВ фотолавҳаси

Ўйиндан ўт чиқмасин

Mutaxassis o'goh etadi

Ҳар бир ота-она фарзанди соғлом, баркамол бўлиб вояга етишини истади. Бутун орзу-мақсадлари рўёбини унинг келажагида кўради. Бироқ бунинг учун истакнинг ўзи камлик қилади. Зеро, фарзандга ўз вақтида эътибор ҳам зарур.

Сўнги пайтда рўй бераётган ёнғин ҳолатлари сабабчилари кўпинча болалар экани барчани хушёрликка ундаши табиий. Айрим ота-оналар фарзандига ортиқча ишониб, уларни уйда қаровсиз қол-

дириб кетишади. Бола — бола-да, баъзан гугурт ўйнайди ёки электр анжомлардан фойдаланади. Шундай ҳолларда ўт чиқмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди.

Шу боис жамоатчилик билан

ўтказган йиғилишларимизда ота-оналарга фарзандларига эътибор қаратишларини, уларни уйда қаровсиз қолдирмасликларини, ўт билан ўйнашларига йўл қўймасликларини маслаҳат берамиз. Зеро, юртимиздаги ҳар бир ўғил-қиз соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмай, ёнғиндан бежавотир камолга етиши керак.

Файзулла САЙДУЛЛАЕВ,
ЁХБ 12-ХЕХО катта инспектори, сержант

Кучлилар сараланди

«Жар» спорт мажмуасида таэквондо WTF кейруги йўналиши бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди.

Аввал хабар қилганимиздек, турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоамиз вакиллари саралаб олинди. Қизлар ўртасида тошкентлик спортчилар Зарина Абдуллаева (46 килограммгача) ва Юлия Маркова (68 килограммдан юқори), Тошкент вилоятидан Раъно Бойбўтаева (42 килограммгача), Динора Мамадибрагимова (55 килограммгача), Жиззах вилояти вакиллари Гўзал Сулаймонова (49 килограммгача) ва Венера Мирзамаҳмудова (52 килограммгача), Самарқанддан Ситора Эргашева (44 килограммгача), фарғоналик Мухлиса Рўзиматова (59 килограммгача), Нигора Турсункулова (63 килограммгача), Умида Абдуллаева (68 килограммгача) мусобақа олтин медалларини қўлга киритди. Ўғил болалар ўртасида пойтахтлик Шаҳбоз Шофайзиев (68 килограммгача), Абдор Тўраев (51 килограммгача), Шаҳриёр Субҳонов (55 килограммгача), Комронбек Яхшибоев (59 килограммгача), Фарғона вилоятидан Ботиржон Давлатов (78 килограммгача) ва Саидолим Нўмонов (78 килограммдан юқори), Жиззах вилояти вакиллари Сухроб Бобобеков (45 килограммгача) ҳамда Хуршид Абдукаримов (63 килограммгача), Валентин Хегай (48 килограммгача), Руслан Шин (73 килограммгача) каби спортчиларимизнинг қўли баланд келди.

Муваффақиятлар олдинда

Ўзбекистон футбол федерацияси ўртоқлик учрашувини ўтказиш мақсадида Болгария терма жамоасини Тошкентга таклиф қилди. Бироқ Болгария футбол федерацияси бу таклифга аниқ жавобни «Евро — 2016» саралаш мусобақасига куръа ташланганидан сўнг, бир йиллик режани ишлаб чиқиб, февраль ойида маълум қилишини билдирди. Айни пайтда FIFA рейтингда Ўзбекистон 68-ўринда, Болгария эса 76-ўринда турибди.

Мазкур терма жамоалар бир марта — 1995 йилда учрашишган. Ушанда 0:0 ҳисоб қайд этилган.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

КАЛЕЙДОСКОП

ТАН-ЖОНИНГИЗНИ АСРАНГ

Инсонлар, одатда, бош оғриғига кўп ҳам аҳамият бераверишмайди, ҳолбуки, унга эътибор бериш зарур экан. Шифокорларнинг айтишича, тиббиётда маълум бўлган ўн мингдан ортиқ хасталикларнинг юзга яқинида бош оғриғи асосий белги ҳисобланади.

СОАТ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Бу ҳақда турли фикрлар мавжуд. Лекин илк соат куёш соати бўлгани маълум. Бугунги кунда чиройли ва баланд минораларни безаб турган механик соатлар эса ихтиро қилинганига қарийб минг йилча бўлиб қолди. Улар биринчи марта XIII асрда минораларга ўрнатилган.

Ўтган асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб эса қўл соатларни тақиш урфга айланган.

Шаҳзод АБРАХМАТОВ тайёрлади

Ҳеч қачон, зинҳор					Богла-ниш, робита									... Кумар (хинд актери)
	Қадам, юриш		Тасалли, юпанч		... ва сен (хинд б/ф)		Курилиш ашеси		Мумтоз мусиқий жар	Найранг, фитна		Ғалаба хайкириги		Овбоп балиқ тури
					Қор ранги				Катта киз фарзанд					
	... Дион (қушиқчи)		Зирак, сирга	Хоразм-ча ака			Юриш аъзоси				Созанда, чолғучи	Аввал ... кейин суйла		Ишга яроқлик
							Отанинг ака-укаси		Пой-тахти-Бағдод		Илон номи			
Балиқ номи		Лаос-даги тил		Ёғоч кесиш асоби	Сатира ва ...		Жилға, дарё манбаси						Кайф-...	Бастакор ёзуви
					Иш, кор				Атир-...	Ғалаён, кўзғолон				
Милли-метр (аббр.)	Институт «Му-аллим»и	Саҳна асари, пьеса					Умуман, ҳеч, зинҳор					Бало-казо, кулфат		
					Хушбўй кукат, ошкўк									
	Пўпанак	Қашка-дарё вилояти маркази					Эринг отаси келинга							

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

YON DAFTARCHANGIZGA

Кўнглинг билан эшит, қулоқ алдайди,
Ақлинг билан кўр, кўз алдайди.

Ўзбек халқ мақоли

Turkiston

МУАССИС:
«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

9 772010 699000

Бош муҳаррир:
Ашуров Салим Тўраевич

Таҳрир хайъати:
Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:
Назарова Майсара Тошевна

Саҳифаловчи:
Рўзиев Зафар Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзил: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40
ЎЗА якуни — 21.00

Буюртма Г-1243.
Адади — 8117

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6